

ХУҚУҚ

МУСТАҚИЛЛИК

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

15 январь куни иккинчи чақирик Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Унда Республика вазирлик, идора ва ташкилотлари раҳбарлари, вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, вилоят бошқармалари бошлиқлари, туман ҳокимлари иштирок этди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов нутқ сўзлади.

Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди. Н.Мўминов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Фарғона вилояти ҳокими вазифасидан озод этилди.

Президент Ислон Каримовнинг тавсиясига биноан депутатлар вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб келган Алишер Отабоевни Фарғона вилояти ҳокими этиб тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 81- моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида»-ги Конституциявий Қонуннинг 7- моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг биринчи мажлиси 2000 йил 22 январда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов
комиссияси Раиси

Н.КОМИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
2000 йил 12 январь

Ушбу сонда:

2-5-БЕШЛАР

«ИМТИЁЗЛИ»
ХАРИДОРЛАР

4-БЕШ

ТАҲРИРИЯТ
ХАТҚУТИСИДАН

6-БЕШ

ТҶҲОНА - КУЧ
СИНАШИШ
МАЙДОНИМИ?

ТҶҲ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

МУЛОҲАЗА

СУД МУСТАҚИЛЛИГИ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Олий Мажлисининг биринчи чақирик Ҳўртинчи сессиясидаги «Ўзбекистон XXI асрга интиломда» деб номланган маърузасида суд-ҳуқуқ соҳасига дахлдор ислохотларни чуқурлаштиришда албатта «...асосий эътибор, аввало ҳўкм чиқарувчи судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилиши керак»лигини алоҳида қайд этган эди.

Давлатимиз раҳбарининг суд-ҳуқуқ тизимида ислохотларни чуқурлаштириш бўйича билдирган дастуриламал фикрига кўра Олий Мажлис ҳузурида доимий ишлайдиган комиссия фаолият кўрсатмоқда. Ҳақиқатан ҳам амалда судьянинг мустақиллиги тўла таъминланса, суд тизими ҳўкмиятнинг учинчи мустақил тармоғига айланади. Судьянинг мустақиллиги ҳақида Олий Мажлис қошидаги суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш тўғрисида тақлифлар тайёрлаш комиссияси аъзолари турли-туман гоёлари, фикр-мулоҳазаларни билдириб баҳслашмоқдалар. Фикрлар хилма-хиллиги жуда зарур. Зеро, ҳақиқат баҳсда аниқланади, деб бежиз айтилмаган.

Шундай экан, Ўзбекистон Конституциясида акс эттирилган «судьялар мустақилдилар, улар фақат қўнўнга бўйсунмадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қўнўнга мувофиқ тарзда жавобгарликка тортилишга сабаб бўлади» деган принцип «Судлар тўғрисида»-ги қўнўн, процессуал кодексларда ривожлантирилган. Аммо, қўнўнчилигимиздаги «судьянинг мустақиллигини таъминловчи баъзи нормалар амалиётга хизмат қилишини бекаму-кўст таъминлаш чорасини кўриш, баъзи бирларини такомиллаштиришга эҳтиёж сезилмоқда.

Аваломбор, ҳар бир судьянинг суд тизимида, яъни идора ичидаги мустақиллигини таъминлаш зарур. Бу суд амалиётда судьянинг ўзи таркибига кирган туман, шаҳар ёки вилоят судлари, ҳамда

назоратида бўлган юқори судларнинг раҳбарлари: раис ёки ўринбосари, ҳайъат раислари ёки аъзолари, яъни бўйига ва энига «маслаҳатсиз», «қўрсатмасиз» ёки «топширигисиз» фақат қўнўнга итлоат қилиб ички ишончи билан ҳар қандай иш юзасидан (жиноят, фуқаролик ёки кўжалик) қўнўний ва асосли қарор қабул қилишга журъат этлоилиш даражасида ишлашига шароит яратилса бас.

Бунга эришиш учун қўйи судларнинг судьясидан тортиб барча суд босқичдаги ходимлар руҳиятига қўнўнларда ёзиб қўйилган «судьянинг фаолиятига аралаштириш таъқиқланади» деган нормани сингдириш, аиникса, судларнинг раҳбариятига бундай қаракатлардан ўзини тийиш хиссиётини ўйотиш муҳим ҳисобланади. Амалда қўнўнда ёзилгандек ишлаш ташкил этилса судьянинг мустақиллиги таъминланган бўлади.

(Давоми 2-3-бетларда)



Болаликнинг юлдузли онлари

Р.НУРИНБОЕВ олган сурат

«ХУКУК»

юридик газета

Таъсисчилар:

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари «Қонун ҳимоясида» журнали

Бош муҳаррир:

А.АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:

Мэлс Наимов, Бўритош Сайфуллаев, Ботир Пўлатов, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир ўринбосари), Дилшод Исломов (масъул котиб) Лола Шомуродова, Зайниддин Мамадалиев

Газета Давлат матбуот кўмитасида №00150 рақам билан рўйхатга олинган Нашр кўрсаткичи — 231, 232

Манзил: Тошкент шаҳри, академик Яхё Фуломов кўчаси, 66-уй. Телефонлар: 77-72-25, 133-82-34

Тахририятга келган қўл-ёзма ва суратлар ағаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланиши мумкин. Газетада босилган факт ва далиллар учун муаллиф масъул. Нашримиздан кўчириб босилганда «Хукук»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар ** белгиси остида чоп этилади.

Газета андозаси тахририят компьютер марказида Pentium-II 333-MMX компютерига саҳифаланган.

Саҳифалаш ва дизайн ишларини Б.Саидов бажарган.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонасида офсет усулида А-3 форматда чоп этилган. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси - 41.

Буюртма Г-053 Нусхаси — 21744

Босмаҳонага топшириш вақти 20.00 Босмаҳонага топширилди 21.00

Газета ҳафтанинг чоршанба кунлари чиқади

Навбатчи **Н.МАҲМУДОВ**

Сотувда эркин нархда

1 2 3 4 5 6 7 8

САҲОВАТ

МЕҲР-МУРУВВАТ БЕЛГИСИ

Президент Ислон Каримов ташаббуси билан 2000 йил «Соғлом авлод йили» деб номланди. Албатта, янги йилнинг бундай номлиниши беҳиз эмас. Аввало, халқимизнинг қоннига сингиб кетган фарзанда бўлган меҳр туйғуси муқаддас ҳисобланади. Президентимиз ташаббусини бутун халқ қувонч билан кутиб олди. Юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида «Соғлом авлод йили»га бағишланган турли тадбирларнинг ўтказила бошлагани фикримиз исботи дейиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, II даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Усмон Худойқулов янги йил арафасида Бухоро вилоятлараро ихтисослашган меҳрибонлик уйда бўлди. Бош прокурор меҳрибонлик уйи ҳаёти билан танишар экан, мураббийлар ва тарбияланувчилар билан суҳбатлашди. У. Худойқулов болаларга совға-салом улашиб, мураббийларга ўз ташаккурини билдирди.

Мамлакатимизда ёш авлод камолоти, таълим-тарбияси учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бунинг ёрқин тимсолини Сизларнинг жамоангизда кўриб, яна бир қарра иймон келтирдим. Даргоҳларингиздаги тарбиячиларнинг фидойилиги, Сизларга кўрсатилаётган меҳр-муруват менда илиқ таассирот қолдирди.

Мустақил юртимизда камолга етаётган ҳар бир фарзанд меҳр оғушида бўлганидек, Сизлар ҳам доимо ардоғимиздасиз. Чунки Ўзбекистон улуғ ва болажон юрт, унинг юртбошиси катта-ю кичикка, айниқса Сиз, ёшларга меҳрибон раҳнамо ва тоғдек суянчидир, - деди Бош прокурор.

Меҳрибонлик уйи бош шифокори Мавжуда Ташмедова давлатимиз томонидан кўрсатилаётган катта ғамхўрлик учун миннатдорчилик изҳор этди. - Турли сабаблар билан фарзандларини қаровсиз қолдираётган ота-оналарнинг учраб туриши ачинарли ҳолдир, - деди у биз билан суҳбатда. - Бирок юртимизнинг болажонлигига таъриф йўқ. Ана шун-

дай қаровсиз қолган фарзандларни ўз бағрига олиб тарбияламоқда. Мазкур меҳрибонлик уйи ҳам шу мақсадга йўналтирилгандир. Бу ерда болаларга алоҳида эътибор берилган. Хусусан, улар ҳар йили икки мартаба тиббиёт кўригидан ўтказиб турилади. Тарбияланувчиларнинг саломатлигини доимий назорат қилиб борувчи шифокорлар беминнат хизмат қилаёттилар.

Меҳрибонлик уйида тарбияланувчилар ёшига қараб гуруҳларга ажратилган. Улар 7 ёшга тўлганда илм олиш мақсадида турли мактаб ва интернатларга жўнатилади.

Ҳукуматимиз болаларга чексиз ғамхўрлик кўрсатмоқда. Шу боз меҳрибонлик уйида тарбияланаётган ҳар бир болага йилига 70 миңг сўмдан ортиқ маблағ ажратилган.

Бухорода олийҳиммат инсонлар кўп. Улар мазкур меҳрибонлик уйи жамоасига маънавий ва моддий кўмак бериб келмоқдалар. Айниқса, меҳрибонлик уйи фаолиятида «Бухоротекст», «Бухородон», «Бухорогазсанотқурилиш» ҳиссадорлик жамиятлари, «Болалар», «Соғлом авлод учун», «Экосан» ва «Маҳалла» жамғармаларининг катта ҳиссаси бор. Меҳрибонлик уйи мураббий ва тарбияланувчилари бу каби саховатли ҳомийлардан миннатдор бўлмоқдалар.

Бобоқул САИДОВ,
«Хукук» муҳбири

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПРОКУРАТУРАСИДА

ЙИЛ ЯҚУНЛАРИ САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ



қонунчиликни мустақамлаш борасидаги фаолияти юксалди ва Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳайъат мажлисининг 1999 йил 23 декабрдаги қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида» шаҳар прокурори ўринбосари О.Холматов маъруза қилди. Маъруза юзасидан шаҳар

прокуратураси бўлим бошлиқлари ва туман прокурорлари мунозарага чиқдилар.

Ҳайъат йиғилишида тегишли қарорлар қабул қилинди.

(Ҳайъат йиғилишига бағишланган мақола ни газетамизнинг келгуси сониде ўқийсиз.)

(Ўз муҳбиримиз)

Тошкент шаҳар прокуратурасида навбатдаги ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар прокурори, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси М.Наимов бошқарди. Кун тартибидеги «Тошкент шаҳар прокуратураси идораларининг 1999 йил давомиде жиноятчиликка қарши кураш ва



Суратларда ҳайъат йиғилишидан лавҳалар.

С.КАНАКИ олган суратлар.

ПРОКУРОР ШАРҲИ

«ИМТИЁЗЛИ» ХАРИДОРЛАР

Сарлавҳани ўқиганлар ҳайрон бўлиб ёқа ушласалар керак. Э, имтиёзли харидор ҳам бўларканда, деб.

Бозорда ҳамма тенг. Биринчидан, бозорда манфаатсиз шахслар бўлмайди. Сотувчи қимматроқ сотиш, олувчи эса арзонроқ харид қилиш ҳаракатида бўлади. Иккинчидан, бозорда имтиёзли харидор бўлмайди. Учунчидан, бозорда нарх-наво ни зўрлаб белгилаш ва назорат қилиш мутлақо мумкин эмас. Тўртинчидан, бозор - бу рақобат майдони. Рақобат фақат сотувчилар ўртасида эмас, шунингдек харидорлар ўрта-

сиде ҳам юз беради. Бешинчидан, бозордаги энг устун нарсабу сифат билан нарх-наводир. Агар харидорлар биронта маҳсулотни камроқ сотиб олсалар, демак ушбу маҳсулотнинг баҳоси сифатига нисбатан баландроқ қўйилган.

Лекин... Гап шундаки, Бухоро шаҳар Ф.Ҳўжаев туман прокуратураси томонидан туман ҳудудидаги «Сомоний» деҳқон бозори ҳиссадорлик жамияти ва мевасабзавот етиштиришга ихтисослаштирилган «Соҳибкор» жамоа ҳўжалигида «Хўжалик юритувчи

субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун талабларининг ижроси текширишдан ўтказилганида аён бўлдики, «Кизил империя» асоратларидан бири бўлган «имтиёзли харидор»лар ҳозир ҳам мавжуд экан.

«Сомоний» деҳқон бозори ҳиссадорлик жамияти (раиси С.Ҳикматов) қошидаги тайёрлов-савдо базаси (бошлиғи И.Қурбонов) вилоят ҳудудидаги ва ундан таш-

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Иккинчидан, «Суд тўғрисида»ги қонун ва процессуал кодекслардаги (ЖПК, ФПК, ХПК) базис бир нормалар таҳлилидан юқори босқич; жумладан, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларда ҳамда Олий суд, Олий ҳўжалик судлари таркибидеги судьяларнинг мустақиллиги ҳам чегаралангандек кўринади. Мисол учун, ЖПКнинг 511-моддаси, ФПКнинг 349-моддасида қўйи судлар ва Олий судлар томонидан қабул қилинган, қонуний кучга кирган ноқонуний ҳукм, хал қилув қарори, қарорлар ва ажримлар юзасидан назорат босқичида киритилиши лозим бўлган протестларнинг фақат шу судларнинг раиси ёки ўринбосари томонидан имзоланиши шарт деган катъий нормалар мавжуд. Худди шунга ўхшаш ҳолат ХПКнинг 193-моддасида ҳам акс эттирилган. «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг иккинчи бўлимида (12-41-моддалар) умумий судлардаги раҳбарий органлар ва раҳбарларнинг ваколатлари (16,

СУД

20, 22, 23, 24, 25, 26 - моддалар ва ҳоказо) бирма-бир санаб берилган. Аммо, суд таркибидеги кирган судьянинг суд жараёнидаги ўрни ва ваколати бу қонунда ёритилмаган. Юқориде зикр этилган қонун ва кодекслардаги нормалар мазмунидан судлар таркибидеги судьяларнинг мустақиллиги таъминланмагани кўринади. Улар фақат раис ёки ўринбосари томонидан тўғридан-тўғри «кўрсатмаси», «розиллиги», «топшириғи» билан уларнинг кундалик суд босқичларидаги (кассация ёки назорат) фаолиятларини амалга оширмоқдалар. Суд амалиётида бундай аҳвол ҳукм сувар экан, қонун акс эттирилган судья мустақилдир деган принцип асосида фақат ўзининг ички ишончига мувофиқ бирон-бир расмий ҳужжат - протестага ўз номидан имзо қўя олмаётган судьянинг мустақиллиги таъминланармикан? Йўқ, албатта.

Бу масала юзасидан ҳам жаҳондаги ривожланган давлатлар қонунларига назар ташласак, улардаги суд ҳокимиятидаги ҳар бир судья суднинг барча босқичларида мустақил равишда процессуал ҳўжатларни имзолайди. Суд раиси ёки ўринбосари судларнинг фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади. Улар судьялар орасида судда қўрилиши лозим бўлган ишларни тақсимлайди, суднинг моддий таъминоти, кадрлар масаласини хал этиш билан шуғулланади. Аммо, раис судьянинг процессуал жараён билан боғлиқ фаолиятига аралашмайди. Бунга қонун ҳам йўл бермайди. Беайб парвардигор дейдилар. Раис ҳам, ўринбосар ҳам, қолаверса, оддий судья ҳам иш юзасидан хато-камчиликка йўл қўйиши амалиётда мавжуд. Уларнинг йўл қўйган хатолари юқори судда судьялардан иборат таркибдаги мутахассислар томонидан бартараф этилишига таажубланмаса ҳам бўлади.

Очилини тан олиш керак, суд амалиётидаги назорат протести фақат суд раҳбарлари томонидан имзоланиши эскидан қолган услуб ҳисобланади. Бизнингча, бундай аҳволни бартараф этиш чорасини излаш керак. Бунинг учун ЖПК, ФПК ва ХПКнинг тегишли моддаларига «назорат тартибидеги протести тайёр-

қаридаги барча жамоа ва деҳқон, фермер ҳўжаликлари билан фьючерс шартномалари тузиб, бозорда арзончиликни таъминлаши лозим эди.

Тайёрлов-савдо бўлими маъмурияти эса олма пиш, озғимча туш, қабилида иш кўра бошлади. Бошқа жойлардан маҳсулотлар олиб келиб бозорда нархнинг паясайтиришга имкон яратиш ўрнига... шу бозорнинг ўзидан маҳсулотларни сотиб олиб, сўнгра 15-30 фоиз миқдорда устама нарх қўйиб бошқа қорхоналарга сотдилар. Шу йўл билан Бухоро вилоят болалар касалхонасида 1725 килограмм сабзи, 1193 килограмм картошка, 520 килограмм қарам, 75 килограмм помидор, 50 килограмм бодиринг ва бошқа маҳсу-

МУЛОҲАЗА

лаган суд таркибидagi судья уни имзолайди» деган мазмунда қўшимча қиритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Комиссия муҳокамағига ҳавола қилинган **учинчи таклифимиз** суд тизимида кадрларни танлашда уларнинг соҳа бўйича малакасига эътиборни қўяётганини айтиш керак. Айниқса, умумий судларда жиноят ишларини қўрувчи судьялар заҳираси тергов идоралари, прокуратура-нинг судда иш қўришда прокурор ваколатини таъминлашда маълум тажрибага эга юқори малакали ходимлари ёки судларда жиноят ишларини қўришда тажрибага эга орттирган ҳимоячилардан ташкил топишини, мисол учун, қоида тарихида судьяликка номзод номи зикр этилган идораларда камда 5 йилдан ортиқ муддат ишлаган ҳуқуқшунос мутахассис бўлишини қўришда акс эттиришни зарур деб ҳисоблаймиз. Шунга ўхшаш, фуқаролик ва ҳўжалик ишларини қўришга ихтисослашган судьялар ўрнини ҳақ ҳўжаликдаги юридик хизматда ишловчи, шунинг

ларда суднинг мустақиллигига эришиш учун судьяларнинг маоши, уларнинг ижтимоий ҳимоясига давлат ҳазинасидан ажратилаётган сарф-харажатлар миқдори юқори эканини кўраемиз.

Суд-хуқук тизимида ўзгарилаётган изоҳловлар жараёнида прокуратуранинг ўрни қандай бўлиши керак, деган савол ҳам муҳокама қилиниши табиий.

Зеро, давлатимиз раҳбари Ислам Каримов юқорида қайд этилган маърузасида «Биз адвокатурани тизимини кўчатириш ва унинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ваколатлари ва мақомини прокуратура мақомига тенглаштириш учун қўнучилик соҳасида ҳам, амалий ишлар соҳасида ҳам қўлпана чоратадбирлар кўрмоқдамиз», деб таъкидлаган эди. Гап, адвокатуранинг мавқеини прокуратура идоралари даражасида қўриш ҳақида бормоқда. Бу судда тортишув жараёнида янада эркинлаштириш, ҳимоя институти мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ жараёни ривожлантиришни тақозо этади. Судда прокурор

зорат босқичида прокурорнинг протести суднинг фаолиятини назорат қилиш ва аралаштириш, деган нотўғри фикрларни билдирмоқдалар.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат ҳокимиятини учта мустақил тармоғи: қўнуч қўрувчи, ижро этувчи ва суд тизимига бўлингани унинг мустақиллиги тан олинганидан далолат беради. Шу билан бирга бундай бўлиниш судда прокурорнинг иштирокини инкор этмайди. Суднинг мустақиллиги эътироф этилган Ўзбекистон Республикасида суд фаолияти устидан прокурор назорати ўрнатилишига бирон-бир асос қўйилмади. Аммо, процесс иштирокчиси ҳисобланган прокурор суднинг ҳўқми ёки қарорига ўз муносабатини билдириши, яъни ноқўнуний ва асосизларини бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида фикрини протестда ифодалаб судга юбориши манъикан тўғри. Прокурорнинг суднинг яқиний ҳўлосаси, уни ҳўқми қарорига қарши билдирган эътирозини суднинг фаолият

ФИДОЙИ КАДРЛАР КЕРАК

2000 ЙИЛ — СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИ

Юртбошимиз ташаббуси билан 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши бежиз эмас, албатта. Ҳўқимини англаган халқ келажак авлоди яхшироқ ва бахтироқ яшашини истайди. Бу борада мамлакатимизда муайян ишлар олиб борилмоқда. Бир пайтлар биз учун оруздек кўринган барча шарт-шароитларга ва замонавий ўқув-техника жиҳозларига эга бўлган лицейлар мустақиллигини шарофати билан ташкил этилди. Ана шундай лицейлардан бири Алишер Навоий номидаги Республика нафис санъат лицейидир.

— Лицейимиз 1991 йилдан фаолият бошлаган, — дея изох берди биз билан сўхбатда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Гўзал Аҳмедова. — Лицейимиз дастлаб адабиёт ва нафис санъат йўналиши бўйича фанларга ихтисослашган эди. Замон талаби билан яна қўшимча тарих-хуқук, иқтисод ва инглиз тили бўйича ҳам ихтисослаштирилди.

Лицейимизни замон талабига мос ўқув-техника қуроллари билан жиҳозлашга ҳаракат қилаёلمиз. Ҳозирда компьютер билан жиҳозланган 3 та хоналари мавжуд. Ўқув жараёнида 15 та видеоаппаратлардан фойдаланмоқдамиз.

Биздаги таълим тизими бошқа лицейлардан тубдан фарқ қилади. Бошқа лицейлардаги таълим беёвосита олий ўқув юртиларидаги сингари олиб борилади. Уларнинг ўрганаёт-ган дастурлари ҳам институт ва университетларнинг дастурлигига мослаштирилган. Бу ҳўлат ўқувчиларни чалғитади ва қийнаб қўяди, деб ўйлайман. Бизда эса ўқувчилар қабул қилингандан кейин таълим бошланғич қисмдан бошланади. Чўнки аксарият ўқувчилар ўрта мактаб тизимида фанларни мукамал ўзлаштириш имкониятига эга бўлмайдилар. Мустақкам пойдеворга эга бўлмаган биро ишончсиз бўлгани каби, бошланғич билимини мукамал эгалламаган ўқувчи ҳам чўқур билим ололмади. Шуларни ҳисобга олган ҳўлда ўқувчиларни лицейга қабул қилиш тизимига ҳам

ўзгартириш киритдик. Иқтисод ва инглиз тили бўлимларига ўқувчиларни еттиччи синф маълумоти билан қабул қилишни йўлга қўйдик.



Ака-ука Анвар ва Самар НАЗАРОВЛАР устозларидан хурсанд

ўзгартириш киритдик. Иқтисод ва инглиз тили бўлимларига ўқувчиларни еттиччи синф маълумоти билан қабул қилишни йўлга қўйдик. Умуман, лицейимизга ўқувчиларни қабул қилиш танлоо асосида ўтказилади. Натжида энг иқтидорли ўқувчилар танлаб олинади.

Ҳар кунги машғуллар 7 соат давом этади. Бундан ташқари ҳар бир гуруҳга алоҳида синфхоналар ажратилган бўлиб, ўқувчилар гуруҳ тарбиячилари билан бирга бу синфларда дарс тайёрлашади. Таълим тарбия ишларида талабчанлик муҳим

аҳамият касб этади. Лицейимиз ўқувчиларининг билимларини ҳар олти ойда синовдаб ўтказиб тураемиз. Баҳолашнинг янги рейтинг тизимига ўтиш учун тайёрларлик кўрилмоқда. Агар ўқувчиларимиз биронта фандан бир чўрақда қўнқарли ўзлаштирмаса, бу ўқувчи лицейда ўқишдан маҳрум этилади.

Ўқувчилар бўш вақтларида турли фанлар ва санъат бўйича мусобақалар ва баҳслар ўтказиб турадилар. Бу эса ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатади қўл келмоқда.

Ҳар йили битирувчиларимиздан 96-98 фоизи турли олий ўқув юртилари талабаси бўлиш бахтига муяссар бўлаётганлиги бизни қувонтирмоқда.

Сўхбатимиз яқунда Гўзал оладан уларнинг фаолиятидаги муаммолар ҳақида сўрадик.

— «Олма пиш, оғзимга туш», деб кутиб ўтирайдиган замонлар ўтиб кетди. Ҳамма ўз аравасини ўзи тортиш лозимлигини замон талаф қилмоқда. Бизда ҳам муаммолар бор. Бу муаммоларнинг ҳақ этилишида лицейимиз директори тадбиркор ва фидойи инсон С.Султононинг алоҳида ҳиссаси бор.

Бизни қийнаётган жиҳидий муаммолардан бири - кадрлар масаласидир. Ёш, қизикувчан, фидойи кадрларга эҳтиёжимиз катта. Ҳозир кўп ўқитувчиларни четдан таклиф қилаёلمиз.

Миллатимиз келажакни ўйлайдиган зиёлиларимиз, университети ва институт домлалари, профессорлар келиб дарс ўтишади. Ш ўринда ана шундай зиёлиларимиздан миннатдор эканлигимизни билдирмоқчиман.

Шунингдек, ўзининг чўқур билими, фидойилиги билан ўқувчи қалбидан жой олган халқ маорифи аълочиси, олий тоифали тар ўқитувчиси Фарҳод Султоновнинг фаолияти барча ўқитувчилар намуна бўлмоқда. Бундан ташқари, олий тоифали ўқитувчилар Дадаҳўжаева, Ҳ.Аҳмедов, М.Маҳкамова, Э.Умаров каби мурабблардан ҳам ўқувчилар мамнун.

Меҳри БОЛЛИЕ
«Хуқук» муҳби

МУСТАҚИЛЛИГИ КАФОЛАТИ

гдек шу соҳа бўйича амалий тажрибага эга прокуратура ва адвокатурани ҳокимлари ҳисобига тўлдирши ҳам қўнунда акс эттирилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чўнки, судьялик лавозимига таъинланаётган тажрибасиз судьялар соҳа бўйича амалиётда ишламаганликларига сабабли ишни қўл қилишда баъзи хато-камчиликларга йўл қўйиши, «бошқалар маслаҳатига» муҳтожлик сезиши оқибатида қўнунсиз қарорлар қабул қилаётгани амалиётда учрайди.

Қолаверса, ривожланган давлатларда айнан шундай ёндошув, яъни соҳа бўйича тажрибасини ҳисобга олиб судьялик лавозимига тасвия этишга кенг йўл берилган.

Тўртинчидан, судьяларни танлаш ва уларни лавозимига тасвия этишда ҳам қўнунларимизда бироз ноанглик мавжуд. Чўнки, умумий судлар учун кадрларни танлаш билан Адлия вазирлиги шуғулланади, ҳўжалик судининг судьясини танлаш билан эса беёвосита Олий суд раиси аралашуви асосида ҳал қилинади. Энг муҳими, номзодлар билими нақадар мустақкам ва чўқур эканлиги тевт синовий, яъни махсус компьютерларда жойлаштирилган дастур асосида синовдан ўтказилиши ижобий натижа беради.

Ҳўмладан, АҚШда судьяликка номзоднинг мингглаб тевт саволларига узок вақт давомида тайёрлинишига тўғри келади. Бундай ҳўлоси синов судьянинг мустақил ишларини сўзсиз кафолатлайди.

Бешинчидан, судьянинг мустақиллигини таъминлашнинг энг муҳим жиҳати, уни ижтимоий ҳимоялашни, моддий таъминотини юқори кўтариш керак. Судьяларнинг маошини ошириш чўраси кўрилмас экан, улар томонидан йўл қўйилаётган хато-камчиликлар, баъзи бир мансабни суиистеъмол қилиш ҳўлатлари давом этаверади. Ривожланган давлат

там тенг ҳўқуқли процесс иштирокчиси сифатида қатнашар экан, процессуал кодексларда акс эттирилган ваколатлардан фойдаланади. Аммо, Ўзбекистонда прокурорни фақат судда давлат айболови қўллаш ваколати юқлатилган мансабдор шахс деб тушунамаслик керак. Прокурор ва прокуратура тушуначалари кенг маънони англатади.

Умуман олганда прокурор, прокуратура ҳўқуқий атамалари лотин тилида «procurator» «айгураман», «таъминлайман», «бошқараман» деган маънони англатади. Бизнингча, Ўзбекистон давлатида ҳам прокурор ва прокуратура идоралари зиммасига қўнун билан шунга ўхшаш маънодаги назорат ваколати юқлатилган. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасига биноан «Ўзбекистон Республикаси ҳўдудиде қўнунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсўнувчи прокурорлар амалга оширади».

Юқорида зикр этилган конституциявий принциплар асосида Конституция билан бир пайтда «Прокуратура тўғрисида»ги қўнун қабул қилинган. Бу қўнунда прокуратура органларининг қўнунчиликни мустақкамлаш ва жиноятчиликка қарши кураш билан боғлиқ ўнга яқин соҳалар бўйича фаолиятининг асосий йўналишлари санаб ўтилган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон мустақиллигининг ўтган саккиз йилда прокуратура органлари давлат сиёсатининг барча соҳалари, айниқса, қўнунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг долзарб масалаларга бағишланган қарорлари ижроси назоратини таъминлашга хизмат қилиб келмоқда. Ўтган давр мубайнада назорат идораси ҳисобланган прокуратуранинг тарихий тармоқлари тақомиллаштириб, унинг таркибиде бир неча мустақил тармок тузилмалари ташкил этилгани бунга ёрқин мисол бўлади. Ҳўмладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан:

а) ташки иқтисодий фаолиятда коррупция, талон-тороҳ ва бошқа суиистеъмолчиликларга қарши кураш бошқармаси,

б) иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш Бош бошқармаси,

в) судларда ҳўжалик ишлари қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш,

г) давлат божхона ва солиқ қўмиталари идораларида сурштирув ҳамда тергов устидан назорат қилиш,

д) миллатлараро ва халқаро ҳўқуқий муносабатларда қўнунларнинг ижроси устидан назорат бўлимлари,

е) ички хавфсизлигини таъминлаш инспекцияси ташкил этилди.

Бу давлат ҳокимият тизимида прокуратура идорасининг маълум бир ўрни борлиги, айниқса қўнун устиворлигини таъминлаш, ҳўқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қўришда, қўчли давлатдан - қўчли жамиятга интилаётган Ўзбекистон таракетиининг ҳўзирги босқичида прокурор назоратига эҳтиё сезилаётганидан далолат беради.

Суд-хуқук тизимини ислох қилиш учун таклифлар тайёрлаш комиссиясидаги баъзи бир олимлар ва мутахассислар гўёки прокуратура идоралари «судьянинг мустақиллигини» амалга оширишда «тўсиқ бўлмоқда», айниқса, суднинг на-

тини назорат қилиш эмас, қўнунчиликни таъминлаш, олий қадрият даражасида қўтарилган инсон ҳўқуқларини тиклаш ва қўнун устиворлигини таъминлаш бора-сида қўнун доирасида ўз хизмат бурчини бажариш, деб баҳолаймиз.

Бу масала юзасидан ҳам жаҳондаги ривожланган давлатлар қўнунчиликни ўрганганимизда судларда жиноят ишларини қўришда албатта давлат айболовичиси иштирок этиши, ишлар тарафларнинг тенглиги ва тортишувига асосланган ҳўлис суд таркибиде қўрилишининг гўвоҳи бўлаемиз. Суднинг ҳўлислиги деганда судьянинг суд жараёнида бирон-бир иштирокчининг тасвирига берилмасдан фақат қўнунга итоат этиб тўпланган далилларни ҳўқуқий тўғри баҳолаш асосида бирон-бир аниқ қарор қабул қилиши тушулинади.

Маълумки, Ўзбекистонда судлар биринчи инстанция, кассация ва назорат тартибиде, яъни уч босқичда иш қўриши мумкинлиги процессуал кодексларда акс эттирилган. Прокурор эса судда иштирок этган-этилмагандан қатъий назар суд томонидан қабул қилинган ноқўнуний ҳўқм, қарорларга нисбатан протест эзиб, уни тегишлилигига кўра суд босқичлари, яъни кассация ёки назорат босқичига юборади.

Энди, прокурорнинг назорат протестини ҳал этиш масаласига келсак, уни кўриб чиқиш жараёнида судлар «судьялар мустақиллиги» деган принцинга тўла риоя этган ҳўлда мазмунан кўрадилар. Бу прокурорнинг протести назорат босқичида албатта қаноатлантирилиши шарт деган тушуначани билдирмастик керак. Суднинг назорат босқичида прокурорнинг асосли протестлари қаноатлантирилади, асосизлари рад этилаётгани амалиётда маълум.

Шўни алоҳида таъкидлаш лозимки, баъзи олимлар ва ҳимоячилар прокурор «назорат протести» эмас, суд раиси неча маънода мустақил тармок тузилмалари ташкил этилгани бунга ёрқин мисол бўлади. Ҳўмладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан:

а) ташки иқтисодий фаолиятда коррупция, талон-тороҳ ва бошқа суиистеъмолчиликларга қарши кураш бошқармаси,

б) иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш Бош бошқармаси,

в) судларда ҳўжалик ишлари қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш,

г) давлат божхона ва солиқ қўмиталари идораларида сурштирув ҳамда тергов устидан назорат қилиш,

д) миллатлараро ва халқаро ҳўқуқий муносабатларда қўнунларнинг ижроси устидан назорат бўлимлари,

е) ички хавфсизлигини таъминлаш инспекцияси ташкил этилди.

Бу давлат ҳокимият тизимида прокуратура идорасининг маълум бир ўрни борлиги, айниқса қўнун устиворлигини таъминлаш, ҳўқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қўришда, қўчли давлатдан - қўчли жамиятга интилаётган Ўзбекистон таракетиининг ҳўзирги босқичида прокурор назоратига эҳтиё сезилаётганидан далолат беради.

М. РАЖАБОВА,

юридик фанлари номзоди

(Давоми 5-бетда)

САВОЛ СИЗДАН...

ИМТИЁЗ БОРМИ?

Мен ўрта махсус ўқув юртини имтиёзли диплом билан битирдим. Уқини Олий ўқув даргоҳида давом эттирмақчи эдим. Менга қандай имтиёзлар бўлиши мумкин?

Ғ.ҚУЧҚОРТОВ,
Бухоро вилояти

Республика Олий ўқув юртларида 1999/2000 ўқув йилига қабул ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 июлдаги 342-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларининг бакалаврига талабаларни қабул қилиш тартиби ва қондалар» тўғрисидаги Низомга мувофиқ ташкил этилди. Қайд этилган Низомга мувофиқ ўрта махсус таълим муассасаларини имтиёзли диплом билан битирувчилари учун Олий ўқув юртларига қабул қилишда имтиёзлар кўзда тутилмаган.

Б.РАҲИМОВ,
Коллегия аъзоси, Олий ўқув юртлари
Бош Бошқармаси бошлиғи

БОР ОТАНГА,
БОР ОНАНГА...

Хурматли тахририят!

Ушбу пенсиясиз бўлган ҳам 1998 йил майдан бўён бир масалада у идорадаги бўзичининг моқимасидай қаттиб юрбман. Гапнинг сарисини айтсам, 1998 йил 8 майда қайишнеллигини эри вафот эди. У эри билан аллақачон ажралишиб, Россиянинг Краснодар ўлкасига кўчиб кетган эди. Кизи отасининг жазоасига кечроқ келиб, 40 кундан кейин қайтиб кетди. Лекин у кетишдан олдин Наманган шаҳридаги нотариусдан мулкни тасарруф этиш ҳақидаги ишончнома расмийлаштирди. Қонуندا белгиланган 6 ой ўтандан кейин марҳумнинг кизи менга берган ишонч хати орқали нотариусдан гувоҳнома олдим. Бу гувоҳномада бир хонали квартира ва «ИЖ Комби» автомашинасидан фойдаланишим мумкинлиги кўрсатилган эди. Мен бу ҳужжатни Краснодар ўлкасига юбордим. У ёқдан уч йил мўддат амал қиладиган ишончнома келди. Шу ишончнома олиб, Наманган шаҳар нотариусига бордим. Бу ерда мен: «Вилоят ДАНага боринг, у ерда сизга марҳумнинг кизи номига техталон ёзиб беришди», деган жавобни олиб, ДАНа равона бўлдим. Бу ерда ҳам шимм хал бўлмади. Асосий гап шундаки, марҳумнинг кизи иқтисодий жиҳатдан қийналиб қолгани боис, мендан машинани сотиб, пулини юборишни сўраган. Лекин бунинг иложини қилиб бўлмапти. Нотариус рози, лекин вилоят ДАНа «техталон» ёзиб бермапти. Балки, унга менинг фамилияمنى ёзишса бўлар. Бунинг бирор чораси бордир ахир...

Энвер ЗАГАРТ,
Уқургон шаҳри,
Абдуллаев кўчаси, 126-уй

Фуқаро Энвер Загарт томонидан ёзилган ариза хатини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қиламиз:

Наманган шаҳри Давлатобод тумани иотариал идораси томонидан 28 ноябрь 1999 йилдаги 4/871 рақами билан қаъ этилган мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини бер, ачи гувоҳномага асосан Рефиев Ситнафе Аблякимовичнинг ягона меросхўри унинг кизи Краснодар ўлкасига яшовчи Чир-Чир Шефика Ситнафеевна ҳисобланади ва у отасидан мерос бўлиб қолган мол-мулкка, шу жумладан, ИЖ-2123 русумли, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, даигатель рақами 5613645, кузов рақами 110680, давлат рақам белгиси Д 32 75 НА бўлган автомобилга эгалик қилиш ҳуқуқига эга.

Чир-Чир Шефика Ситнафееваннинг Ўзбекистон Республикасида яшамаслиги сабабли ушбу автомобилни Давлат автомобиль назорати томонидан унинг номига расмийлаштиришнинг иммонияти йўқ. Краснодар ўлкаси, Анап шаҳар давлат иотариал идораси томонидан 11 январь 1999 йилда 1-60 рақам билан тасдиқланган ишончномага асосан С.Чир-Чир номида Наманган вилояти, Уқургон шаҳри, Абдуллаев кўчаси, 126-уй, 1-хонада яшовчи Загарт Энвер ҳарият қилиш ҳуқуқига эга.

Назарда тутилган автомобиль Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб кетилмаганлиги сабабли бошқона идоралари орқали расмийлаштиришнинг ҳожаати йўқ, уни бошқа фуқарога расмийлаштириш учун Давлат иотариал идораси орқали тасдиқланган олди-сотди (айри-айлиш, ҳада) шартномалари асос бўлиб хизмат қилади.

Х.ЗОКИРОВ,
Республика Давлат автомобиль назорати
Бош Бошқармаси бошлиғи

ТАХРИРИЯТ
ХАТҚУТИСИДАН

МАДААТАЛАБ МАКТУБ

ИНСОН ТАҚДИРИ ЎЙИНЧОҚМИ?

Ассалому алайкум, хурматли тахририят!

Сизларга мен бир масалада ёрдам ва маслаҳатини аямайсиз, деган умид билан мурожаат этмоқдаман.

1998 йил 9 октябрь кунни акам Неймат Ражабов Қарши шаҳрига «Дамас» автомашинасида кетаётганида Қамаш туманидаги қовун бозори олдида йўлининг ўртасида бурилишган тракторга бориб урилади. «Дамас» катта тезликда улоғга урилиши натижасида шофёрнинг олдида ўтирган акамнинг бир оёғи қисилиб қолиб икки жойидан сийиб, товони ёрилиб кетган.

Авалга травматология, учинчи кун реанимация бўлимига ўтказишди. Акам оғир аҳволда бўлса-да, врачлар жойга, овқатга пул тўла дейиш билан овоза бўлишди. Пахтасидан тортиб шприцу дорисига олиб бердик. Тўртинчи кунни акам бандаликни бажо келтирди.

Барибир, бир фикр тинчлик бермайди менга: йўл ҳаракатини тўлиқ билмай рулга ўтиради одам инсон тақдирини бирон марта йўлаб кўраётмикин? Энди ким айтади, шу ҳодиса тақдорланмайди, деб. Қаерга қаралган ёши йигиртичлар рулда.

«Ишга овунасанг умутасан» деганларига ҳамда болам 2 ёшга етганлиги учун аввал ўзим ишлаган 3-КХМга бордим. У ердагилар (1998 йил ноябрь ойида) январда ишга оламиз, дейишиб, фаррошлик вазифасига қабул қилишди. Ноилжоз рози бўлдим. Кейин 1 сентябрда иш берамиз, дейишди. Мана сентябрь ҳам ўтиб, йил охираб борапти, аямю улар иш бериш ўрнига «сен фаррошсан-ку, сенга қандай иш берамиз?» деб устимдан кулшади. Илгари ёрдамчи бухгалтер бўлиб ишлаган одамни ўзлари фаррош қилиб, аҳмоқ қилиб ўйлаганларига нима дейсиз? Нима қилай, ёрдам берингизлар.

Дилбар РАЖАБОВА

Фуқаро Дилбар Ражабованинг бизга ёзган хатини Қамаш туман прокуратурасига йўлаган эдик. Яқинда ушбу хат бўйича туман прокуратурасидан қуйидагича жавоб келди:

Фуқаро Дилбар Ражабова билан акаси Неймат Ражабованинг ўлими бўйича ёзган аризаси юзасидан суқбатлашилганда у Қамаш туман судидан автоҳалокат бўйича қўрилган жиноят ишнинг натижасини билмаганлиги учун ушбу аризани ёзганлигини билдирди.

Неймат Ражабованинг ўлимига сабабчи бўлган Шерали Маҳмадқуловга нисбатан Жиноят кодексининг 266-моддаси 2-қисми бўйича қўзғатилган жиноят иши Қамаш туман судида 1999 йил 27 февралда қўрилган ва у айбли деб топилди, 6 йил мўддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси берилган. Унга нисбатан Республика Президентининг 1998 йил 1 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг олти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги Фармони 6-моддаси «А» банди қўлланиб, таинланган жазо ярмига қисқартрилган.

Дилбар Ражабова 1993 йилда Нишон қишлоқ ҳўжалик техникумида ўқиб, техник иқтисодчи мутахассислигини эгаллаган, лекин ўз мутахассислиги бўйича умуман ишламаган. Қамаш туманидаги 3-касб-ҳўнар мактабида 32 нафар муҳандис-педагог ишлаб келаётган бўлиб, улардан фақат 2 нафари ўрта махсус маълумотга эга. Фуқаро Дилбар Ражабова билан мактаб маъмурияти келишувига асосан у лаборантлик вазифасига ўтказилган.

И.НАСРИДИНОВ,
Қамаш туман прокурори,
1-даражали юрист

БИЗДАН СЎРАБСИЗ

ЖАРИМА МИҚДОРИ ҚАНЧА?

Маъмурий тартибда жарима жазоси қўлланилганда унинг кўп миқдори, шунингдек, қами ҳам бузгунги кунда қанча суммани ташкил этади? Чунки, мен яқинда қонунга хилоф бир иш қилиб қўйдим. Бунинг учун менга нисбатан маъмурий иш қўзғатилиб, суд томонидан менга жазо тариқасида жуда катта миқдорда жарима қўлланилди.

Х.ГУЛМАТОВ, Хоразм вилояти

Жариманинг миқдори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги белгилаб қўйилган энг кам иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. (Бугунги кунда мамлакатимизда ана шу миқдор 1750 сўмни ташкил этади).

Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кам миқдори энг кам иш ҳақининг элиқидан бир қисмидан, энг кўпи эса энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ошмаслиги керак. Қонуларда назарда тутилган айрим

ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик учун энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин. (Булар санитария тўғрисидаги қонуни ҳўжжатларини бузиш, табиий ресурсларга эгалик ҳуқуқини бузиш, рўзгорда иссиқлик энергияси, газ, электр энергиясидан фойдаланиш қоида-ларини бузиш ва ҳоказо).

Д. ХАЛИЛОВ, ҳуқуқшунос.

БИР ШИКОЯТГА ТУРТ ЖАВОБ

«МЕН «ЎЗУВЧИ» ЭМАСМАН», —

ДЕЙДИ СУРХОНДАРЁЛИК А.САФАРОВ

Газетамизнинг 1999 йил 13 октябрдаги 41-сонида Ўзун туманидаги Б.Очилдиев номи жамоа ҳўжалигининг Бешкапа қишлоғида яшовчи ўқитувчи Ўрозгул Ҳайдарованинг «Қайнотам - «ёзувчи!» сарлавҳали шикоят мактуби ёллон қилинган эди. Ўқувчилар унинг мазмунидан хабардор экаликларни боис, мазкур мактубга келган жавоблар ҳусусида фикр юртаимиз.

Туман ҳокимлиги «Хукук» газетасининг 1999 йил 13 октябрдаги 41-(105) сонида чоп қилинган Ўрозгул Ҳайдарованинг «Қайнотам - «ёзувчи!» сарлавҳали шикоятини атрофлича ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Мақолада кўрсатилган муаммо ва камчиликлар туман халқ таълими бўлими билан биргаликда ўрганиб чиқилди. Текшириш жараёнида шу нарсалар маълум бўлдики, ариза муаллифи Ўрозгул Ҳайдарованинг қайнотаси Алланазар Сафаров туман халқ таълими бўлимида услубчи бўлиб ишлайди. Ҳақиқатан ҳам туман ХТБнинг режасига асосан Ў.Ҳайдарова ишлаётган мактаб текширилганда бир қатор камчиликлар аниқланиб, кенгашда муҳокама қилинган. Унда А.Сафаров келини Ў.Ҳайдарованинг бошланғич таълим бўйича мутахассис эмаслиги ва малака ошириш курсидан ўтмаганлигини таъкидлаб ўтган.

А.Сафаровнинг асосий мақсади ўғли билан ҳали расмий равишда ажралиб кетмаган келинини уйга қайтариши ва рўзгорини тиклаш бўлиб, шу мақсадда мактаб директори ва жамоатчиликни бир неча марта халб этган. А.Сафаров ХТБ томонидан ижобий тавсифланди.

Туман ХТБ касаба уюшмаси ва жамоатчилик билан бўлиб ўтган воқеаларни муҳокама этиш жараёнида шикоят муаллифи Ў.Ҳайдарова эри Зокир Сафаров билан яшамаслигини, ажралиш учун-Ҳарча ҳўжжатларни туман судига топширганлигини билдириб, уни тинч қўйишларини сўради.

Ў.Ҳайдарованинг мактабда ишлаши учун тўлиқ шароит яратиб берилган, унинг қайнотасига ажралиш учун тўқинлик қилмаслик ва ортиқча гап-сўзларга барҳам бериш ўқтирилди.

Шикоят муаллифи текшириш натижасидан қаноатланганлигини билдирди.

С.ХАСАНОВ,
Ўзун тумани ҳокими

ТАХРИРИЯТДАН:

Ҳудди шу мазмундаги мактуб Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Б.Мирзаев имзоси билан ҳам олинди. Булар расмий хатлар. Қутилганидек, тахририят Ў.Ҳайдарованинг қайнотаси Алланазар Сафаров, эри Зокир Сафаровдан ҳам хат олди. Хатларида улар босиқлик билан Ў.Ҳайдарованинг Сафаровлар хонадони шаънига талдирган барча фикрлари тухмат экалигини таъкидлашиб, Зокир билан Ўрозгулни яраштириш учун орага тушган эл-юртнинг обрўли 23 нафар вақили рўйхатини ёзиб юборганлар. Шунингдек, мактубга Ў.Ҳайдарованинг Ўзун туман ХТБ мудири Х.Шоймардон номига ёзган тушунтириш хати нусхаси ҳам илова қилинган.

«Эр-хотиннинг уриши - доқа рўмоннинг қуриши», дейди доно халқимиз. Аммо шундай бўлишини улардан бири истамаса-чи? Сафаровларнинг мактубидан аён бўлишича, айнан Ў.Ҳайдарова Зокир билан бирга яшашни истамган.

Сафаровлар бу гапларни эҳтирос билан ёзган бўлсалар керак, деб мулоҳаза юритаётганимизда тахририятга ушбу масала (Ўрозгул билан Зокирни яраштириш) юзасидан Ўзун тумани «Гулистон» жамоа ҳўжалигининг «Янги ҳаёт» маҳалла қўмитаси раиси Ҳ.Туланова номидан ҳам хат келди. Унда ҳам Ў.Ҳайдарова шаънига аччиқ гаплар айтилган. Ушбуни ёзиш билан киминдир оқлаб, киминдир ёмонлаш ниятида эмасмиз. Ҳар кимнинг инсофини берсин. Ў.Ҳайдарова газетада чоп этилган шикоятда:

«Уй қурилишида шахсан қатнашганман. Оиламини тиклашдан умидим йўқ. Мен ва ўғлимнинг мана шу уйда ҳаққимиз йўқми?», деб ёзди. Сафаровлар буни инкор этишган. Нима ҳам дердик. Бунни суд ҳал этади.

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

Вилоят прокуратураси томонидан аввалло, банклардан олинган мазкур масалага дахлдор маълумотлар чуқур таҳлил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 ноябрдаги 504-сонли Қарори ижроси таъминлашини Тошкент вилояти прокуратураси ҳам умумий назорат фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида қабул қилиб, бу борада тегишли чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

856 минг сўмини ташкил этган. Корхона раҳбариятининг дебиторлик қарзларини ундириши, омондор-дўпланиб қолган тайёр маҳсулотларни камайтириш чораларини кўрмаслиги оқибатида иш тўхтаб қолган. Ушбу ҳолат юзасидан шаҳар прокурори томонидан

ши ва белгиланган муддатда қайтарилишини таъминлаш ҳам маошларнинг ўз вақтида тўланишида муҳим аҳамиятга эга. Айрим банк ходимлари эса кўра-била туриб, қонунбузарликларга йўл қўйишмоқда. Жумладан, «Замин» давлат акциядорлик ипотека банки бошқарувчиси А.Оқилов, бошқарма бошлиғи Х.Шарипов ва бошқа мансабдор шахслар билан жинорий алоқа бўлиб, кредит олишга лаёқат даражаси, молиявий аҳволи, тўлов қобилиятини ўрганмасдан, ҳатто банкда ҳисоб рақами бўлмаса-да, қатор корхоналарга кредит бериб, қайтариш чораларини кўрмаган. Натижада давлат манфаатига 17,3 млн. сўм зарар етказилган.

Юқоридагилардан кўринадики, айрим раҳбарларнинг ўз вазифасига бўлган совуққонлиги, қонунбузарликларга йўл қўётганлиги корхона-ташқилотларнинг молиявий фаолиятига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Ўз навбатида бундан давлат ва халқ манфаатларига жиддий зарар етказилмоқда. Ана шундай ҳолларнинг олдини олиш, Вазирлар Маҳкамасининг юқорида номи кўрсатилган Қарори ижросини таъминлаш учун бундан кейин ҳам тегишли чора-тадбирларни кўраверамиз.

С.МУХТОРОВ,
Тошкент вилояти прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори

ПРОКУРОР ШАРҲИ

«ИМТИЁЗЛИ» ХАРИДОРЛАР

ЁКИ БОЗОРЛАРДА НАРХ-НАВО КЎТАРИЛИШИНИНГ САБАБЛАРИ НИМАДА?

(Бошланғичи 2-3-бетларда) жан ҳудудидаги «Сохибқор» жамоа ҳўжалигида, ҳатто шаҳарга туташ бўлган «Маданият», Ф.Аллоев номли жамоа ҳўжаликлари деҳқонларига раҳмат. Улар тўқайли қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари мўл-кўл ва арзон бўлди. Аммо Бўхоро вилоят болалар касалхонаси (бош ҳақими А.Шамсутдинов) маъмурияти нега арзон қилиб қимматига югуришига тушуниб бўлмайди. Улар «Сомоний» деҳқон бозори ҳиссадорлик жамияти ҳўзуридаги тайёрлов-савдо базасидан қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини бозор нархидан 2-3 баробар қиммати-га сотиб олганига нима дейсиз? Вилоят ҳўқимлиги соғлиқни сақлаш бошқармасидаги мутасадди раҳбарлар бу ғайриқонуний ҳўлатнинг олдини олиш чорасини кўрмасдан қелишган.

«Сохибқор» жамоа ҳўжалиги шаҳар аҳолисини машин-ёзин қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари билан таъминлашга ихтисослаштирилган. Ҳўжалик деҳқонларининг меҳнатлари тўғайли Бўхоро бозорларида арзончилик. Лекин... ҳўжалик бошқаруви маъмурияти томонидан моддий жавобгар шахслар ва сотувчилар иш фаолияти устидан назорат суьсайтириб юборилганлиги натижада етиштирилган маҳсулотлар «имтиёзли» ва «имтиёзсиз» харидорларга сотиб келинган. Шу ҳўжалик бошқарувининг қарорига биноан иссиқхонада етиштирилган ҳар бир килограмм бодринг нархи 170 сўмдан 220 сўмгача қилиб белгиланган. Қарорни назар-писанд қилмаган маҳсулот таркатувчи Ботир Фозилов «имтиёзли» харидорларга помидорнинг ҳар бир килограммининг 170 сўмдан, «имтиёзсиз» харидорларга 200 сўмдан сотиб келган.

Бундай номутаносибликка вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси ходимлари ҳам «томошабин» бўлиб қолаверишган.

Бозор товар ва хизматларни тақлиф этувчилар тақдирини бел-

ғилоччи тошу тарози, олий ҳақам бўлиб ҳисобланади. Унинг қонуниятларини бузиш ҳаёт маромига салбий таъсир кўрсатади. Яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролардан сўраб қолсангиз, бир стакан газланган, сироп қўшилган суьнинг нархи 10 сўм деб баралла айтишади. Бозор конъюктурасини ўрганмасдан туриб, ишга қўл уриш эса фойда ўрнига зиён келтиради. «Сохибқор» жамоа ҳўжалиги бошқарувининг қарори бўлмаса-да, маҳсулот сотувчи Мардон Жўраев 1999 йилнинг 14 октябр кунинда фуқаро Фармон Йўлдошевга 6 тонна помидорнинг ҳар бир килограммининг 5 сўмдан пуллаб, эшагадан тушувини қиммат қилиб юборган. Бундай ҳўлатлар кўл марта тақорланган. Жамоа ҳўжалиги бошқаруви бозор нархини ўрганмасдан пешона тери эвазига етиштирилган маҳсулотларни сув текинга сотган бўлишига қарамасдан, тайёрлов-савдо бўлимидаги мутасадди ходимлар бундай имкониятдан фойдаланиб, аҳолига арзон маҳсулот етказиб бериш чораларини кўрмаганлар.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонунининг 3-моддаси маҳсулот етказиб бериувчининг бошқа шароитлар тенг бўлгани ҳолда ўз маҳсулотини муайян бир харидорга бошқа харидорларга нисбатан юқорироқ ёки пастрок нархда сотиши нарх соҳасида кам-сирх деб ҳисобланади, деб кўрсатилган. Бозорларда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари мўл-кўллигини таъминлаш, аҳрлига арзон ва сифатли қилиб етказиб бериш, шартнома шартларига риоя қилиш, «имтиёзли» ва «имтиёзсиз» харидор бўлишига чек қўйиш бозор иқтисодийнинг асосий талабларидан биридир. Бу талабларни бузиш бориб турган инсофсизлик ва қонунбузарликдан бошқа нарса эмас.

Ф. МАХМУДОВ,
Бўхоро шаҳар Ф.Хўжаев туман прокурори

ЖИНОЙ АЛОҚА БАҲОСИ – 17 МИЛЛИОН СЎМ

барларининг дебиторлик қарзларини ундириш чораларига бефарқ қарашларидир. Шунингдек, омондорлардаги тайёр маҳсулот қолдиқларини камайтириш борасидаги суьтқашликлар ҳам мазкур масалага салбий таъсир қилаёттир. Натижада, корхона-ташқилотларнинг ҳисоб рақамларига маблағ келиб тушиш деярли кузатилмаган. Вилоят прокуратураси томонидан бундай ҳўлатларнинг сабабини аниқлаш, йўл қўйилган қонунбузарликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Айбдор шахсларга нисбатан жиноят ишлари кўзғатилди. Масалан, Охангарон шаҳридаги «Сантехкумул» ҳиссадорлик жамиятининг иш ҳақидан муддати ўтган қарзлари 1 млн.

жамият раиси ва бош ҳисобчисига нисбатан жиноят иши кўзғатилди.

Яна бир масала. Иш ҳақи учун ажратилган маблағларни ўзлаштириш ёки бошқа мақсадларга ишлатиш ҳоллари ҳам йўқ эмас. Масалан, Зангиота туманидаги «Наврўз» жамоа ҳўжалигининг газначиси А.Исмаилов иш ҳақи учун олинган 130475 сўмини ўз эҳтиёлари йўлида ишлатиб юборади. Ваҳоланки, жамоа ҳўжалигининг иш ҳақидан муддати ўтиб кетган қарзлари 9331 минг сўмини ташкил этган. А.Исмаиловга нисбатан ҳам туман прокурори томонидан жиноят иши кўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Сир эмаски, банк тизимида кредит маблағларининг берили-

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР ИШ ҲАҚИ ЎРНИГА... БАЛИҚ

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 154-моддаси талабларига мувофиқ, иш бериувчи ўзининг молиявий ҳўлатидан қатъий назар, ходимга бажарилган иш учун меҳнат ҳақини қонунда кўрсатилган муддатларда тўлаши шарт.

Самарқанд шаҳар прокуратураси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 ноябрдаги 504-сонли Қарори ижроси юзасидан ўтказилган текширишлардан маълум бўлдики, Меҳнат кодексининг юқоридаги моддалари талаблари айрим корхона-ташқилотлар раҳбарлари томонидан қўпол тарзда бузиб келинган. Бундай ҳўлар оқибатида меҳнатқашларнинг ҳақ-ҳўқуқлари топталибгина қолмай, корхоналарнинг молиявий аҳволига ҳам жиддий зарар етган. Қўйда ўтказилган текширишларда аниқланган қонунбузарликлардан бири ҳақида ҳўқия қилинади.

Сиеб туманида жойлашган «Таъмирлаш заводи» очик турдаги акционерлик жамияти шаҳардаги йирик корхоналардан бири саналади. Жамиятда кўрсатиладиган хизмат туридан, миқозлар кўплигини ҳисобга оладиган бўлсак, у молиявий жиҳатдан анча бақувват бўлиши лозимлигига амин бўлаемиз. Аммо, жамият раҳбариятининг ишчи бозор иқтисодиёти талаблари асосида ташкил эта олмаганилиги, ўз вазифаларига нисбатан совуққонлиги оқибатида ташқилот деярли «ўтириб» қолди. Маъмуриятнинг бокибегамлиги оқибатида «Таъмирлаш заводи»нинг кредитор қарзлари 4 миллион 240 минг сўмга, дебиторлик қарзлари эса 23 миллион 667 минг сўмга етди. Қизиги шундаки, аҳвол шў даражага етса-да, «ишбилармон» раҳбарлар ҳатто пинакларини ҳам бўзмаган. Ишчи-хизматчилар эса ойдан-ойга маош кутариб чарчаган.

Ўтган йилнинг октябр ойида эса завод маъмурияти Тойлок туманида жойлашган «Агросаноат» кўп тармоқли ишлаб чиқариш савдо корхонаси билан ДВРК қозонини сотиш ҳақида ғаройиб шартнома тузади. Шартнома қондиларига мувофиқ 1 млн. 500 минг сўмга сотилган қозон учун тўлов харидор томонидан 10 кун муддат ичида белгиланган сўммининг юз фоизи миқдоридан амалга оширилиши кўрсатилганлиги қарамасдан, бунга амал қилинмаган. Шундай бўлса-да, жамият раҳбарияти шартнома имзоланган куннинг ўзидек қозонда «Агросаноат» савдо корхонасига бериб юборади. Маҳсулотнинг пули эса заводнинг банкдаги ҳисоб рақамига «тушолмай» роса «овора» бўлади. Бу томонда эса жамият ишчилари ўзларининг 1 млн. 338 минг сўмлик меҳнат ҳақларини илҳақ қутишарди...

«Таъмирлаш заводи» маъмурияти қонунга хилоф равишда бериб юборилган маҳсулот учун тўловни ундириш ўрнига, яна бир қонунбузарликка қўл уришади. Яъни, қозон учун ўтказиладиган маблағ эвазига «Агросаноат» корхонасидан 1 млн. 350 минг сўмлик балиқ консерваларини қабул қилиб олади.

Юқоридаги ҳаракатлари учун жамиятнинг мансабдор шахсларига нисбатан шаҳар прокурори томонидан жиноят иши кўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Маълуда ЭРҒАШЕВА,
Самарқанд шаҳар прокурорининг ёрдамчиси,
адлия маслаҳатчиси

Белгилансиники, вазирликлар ва идораларнинг, ҳўжалик юртурувчи субъектлар ва хизмат кўрсатувчи тижорат банкларнинг биринчи раҳбарлари иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини таъминлаш ва ушбу мақсадлар учун назарда тутилган маблағлардан мақсадли фойдаланиши учун шахсан жавоб берадилар.

(Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик юртурувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қароридан)

ҚИЗИМ СЕНГА АЙТАМАН...

«КЎЗА СИНГАН КҮН»

Дилмурод ҳар кунги одатини тарк этмай, қоронғи тушар-тушмас эшикни тарақлатиб ёпиб, кўчага чиқиб кетди. Хайри хола «Бемаҳалда кўчада нима бор», деганча қолаверди. Самад ота бунга ўрганиб қолган. Айвон зинасида хира кўзларини бир нуқтага тикканча қимирламай ўтирарди. Чуқур ўйга толган. «Нима қилсин, энди бошини қайси тошга урсин». Маҳалла-қўйда, ёру дўстлари ўртасида бошини кўтариб қоролмай қолди.

Самад ота қаддини ростламоқчи бўлди, мадори етмади. Титроқ кўларини тахта зинага тираб қайта ўтирди. Хайри холининг ҳали ҳам ошхонадан шангиллаган овози эшитилиб турар, лекин нима деяётганини билиб бўлмасди...

Ота-онанин Дилмуроддан умиди катта эди. Кенжа фарзанд, ёлғиз ўғил бўлганлиги учун ёшлигидан жуда эрка ўсди. Ёе-иначга, қийим-кечакча муҳтожлик сезмади. Халол меҳнатни ёқтирмади.

«Қайтар дунё деб шунга айтсалар керак-да», хаёлидан ўтказди Самад ота ёшлигини эслаб. Бозордан топилаган ҳаром-ҳарош пуллар ҳам, атрофидан гирдиқалпалак бўлиб юрган ошна-оғайинлар ҳам «қўли калталаниб» қолган уни тарк этмишган эди. Бошига иш тушиб, қамалиб қолишига бир сония

қолганда нонини ёб, сувини ичиб юрганлар саломни насия қилишгани ҳамон эсида.

Сармоёсини сироб пайта «қушим шундай ўтаверди» деб хато ўйлаган экан. Кўчадан бери келмай, кенжабойи тарбиясига аҳамият бермай катта хато қилганини энди тушуниб етди. Бу кўз жуда кеч очилди. Боласига гапи ўтмай қолганда тушуниди. Икки катта қизи- Лобар билан Лайлоларни хотини Хайри хола баҳоли қудрат тарбиялаб узатиб уйлн-жойли қилди. Улар-ку тиниб-тинчиб кетишди. Сак-қизинчи синфни аранг битирган Дилмурод бирон касбнинг бошини ушламади. Узига ўхшаб дайди болалар билан ош-қатиқ бўлиб юрди. Қўни-қўшни, қорандош-уруғларнинг насихатлари қор қилмади. Оиладаги нотинчлик, ичкилик тўғайли тез-тез бўлиб турадиган уруш-жанжаллар ҳам Дилмуродни туғилиб ўсган уйдан эрта бездирганди.

Шундай дамларда у уйдан чиқиб кетиб алламаҳалда қайтарди. Бора-бора бу оддий ҳолга айланиб қолди...

Самад ота ўша кунларнинг «мева»ларини энди кўрмоқда. Афсуслари бефойдалигини тушуномқда. Жуда кеч...

Сармоёсини сироб пайта «қушим шундай ўтаверди» деб хато ўйлаган экан. Кўчадан бери келмай, кенжабойи тарбиясига аҳамият бермай катта хато қилганини энди тушуниб етди. Бу кўз жуда кеч очилди. Боласига гапи ўтмай қолганда тушуниди. Икки катта қизи- Лобар билан Лайлоларни хотини Хайри хола баҳоли қудрат тарбиялаб узатиб уйлн-жойли қилди. Улар-ку тиниб-тинчиб кетишди. Сак-қизинчи синфни аранг битирган Дилмурод бирон касбнинг бошини ушламади. Узига ўхшаб дайди болалар билан ош-қатиқ бўлиб юрди. Қўни-қўшни, қорандош-уруғларнинг насихатлари қор қилмади. Оиладаги нотинчлик, ичкилик тўғайли тез-тез бўлиб турадиган уруш-жанжаллар ҳам Дилмуродни туғилиб ўсган уйдан эрта бездирганди.

Шундай дамларда у уйдан чиқиб кетиб алламаҳалда қайтарди. Бора-бора бу оддий ҳолга айланиб қолди...

Самад ота ўша кунларнинг «мева»ларини энди кўрмоқда. Афсуслари бефойдалигини тушуномқда. Жуда кеч...

(Давоми 6-бетда)

УДУМЛАРИМИЗ

ҲУЖАТ БОРМИ, ҲОФИЗЛАР?

Тўй ҳалқимизнинг азалий удумларидан бири. Одамларнинг бир-бирларига айтадиган энг эзгу тилаги «тўйларга етказсин, тўйлар кўп бўлсин». Зеро, тўй қувончлардангина иборат шодиёнадир. Аммо, баъзида шундай ҳам бўладики, меъёрдан чиқиш, ахлоқ чегараларидан ўтиш оқибатида шодлик ўрнини ғам-ташвиш эгаллайди. Президентимизнинг бундай қўнгилсизликларга барҳам бериш, тўйнинг тўйдек ўтишини, қолаверса, бошқа тadbирларнинг ҳам меъёрда кечишини таъминлаш мақсадида 1998 йил 28 октябрда «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотирасига бағишланган тadbирларнинг ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида» Фармони қабул қилинган эди.

Ҳўш, ушбу Фармон ижроси жойларда қандай амалга оширилмоқда? Туман прокуратураси умумий назорат тартибида фармон ижросини доимий равишда текшириб бормоқда. Натижада кўпгина муаммолар ўз ечимини топиб, ортқча исрофгарчиликларнинг, жанжалларнинг олди олинмоқда. Шунингдек, қатор қонунбузарликлар ҳам аниқланиб, чоралар қўлланилаётир.

Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қилади: «Набий алайҳиссалом дедилар: «Икки одам бир-бирларидан ўтиш учун тўй ва зўiefат қилсалар, биронтасиникига бормангалар, уларнинг таомларидан емангалар».

(Ҳадис)

Одам ва ҳайвон ўртасидаги фарқ шундаки, одам қилмоқчи бўлган ишнинг ўзининг ақл кучи билан ҳар томонлама ўйлаб оқибатини аниқлаш ва мулоҳаза қилади. Ҳайвонлар бундан мустасно. Эндч сиз бир одам ва расминг зарари ё фойдасини ўйламай, уни урфодам деб жорий қилсангиз, ҳайвондан қандай фарқингиз қолади?

Абдурауф ФИТРАТ

Ўртақаш — қосагул кечани бошқаролмай қолди. Унинг тақлифига кўра дастурхондаги ноз-неъматлардан, ичкиликлардан «тортиб» олган меҳмонлар тартиб-қоидаларини унутта бошладилар. Табрик учун сўзга чиққан одам бир ёнда қолиб, даврани бошқа ёш-яланг тўлдириб олар, кўшиқчи эса сийқаси чиққан битта ашулани қайтариб айтаверарди. Бундай тўйни миллий маросимга эмас, тушовини узган отларнинг бетартиб чопқиллашига ўхшатиш мумкин, холос.

Портлаш — қизишдан кейин содир бўладиган физикавий ҳодиса. Етарли ҳарорат ҳосил бўлган, арзимаган ишора, баҳона кифоя... Дейлик, жон-жаҳди билан ўртада мусиқа оҳангларига мос ирғишлётган маст меҳмон бошқа бир ўзига ўхшаганни туртиб юборди ёки оёғини босиб олди... Шу билан «портлаш» юз бериши, тўйхона куч синиши майдониға айланиши ҳеч гап эмас...

Куйидаги фожеалар ҳам шунга ўхшаш майда баҳоналар билан бошланади. Асосийси, тўй ўтказиш маданиятининг пастлиги, унда ичкиликнинг мўл-кўл оқиши шароит яратган...

Тўй авжиде эди. Халидан буён гижиллашаётган Анвар билан Шариф ростманасига муштлашиб кетишди. Анвар

оларди. Бугун санъаткорларга тўйда хизмат қилишлари учун қонуний рўхсат берилган. Аҳоли ҳам тўйига истаган хонандасини тақлиф қилиш ҳуқуқига эга. Буни ҳамма билади. Аммо тўйда хизмат қилиш ҳам тadbиркорлик саналишини, бунинг учун санъаткорға махсус рўхсатнома кераклигини ҳамма ҳам билмавермайди.

Ўтган йилнинг октябрь ва ноябрь ойларида бир неча фуқароларнинг тўйларида 8 нафар шахс томонидан тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузиш ҳолатлари содир қилинганлиги аниқланиб, уларнинг барчасига нисбатан МЖТКнинг 176-моддаси 1-қисми билан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишлар кўзғатилди.

Ўтган йилнинг 24 октябрь кунин Э.Хамроев хонадонидаги тўйда хизмат қилган Э.Турдиевнинг маданият ишлари бошқармасидан давлат рўхсатномаси, 13 ноябрь кунин Қ.Искандаров оиласидаги тўйда хизматда бўлган Ш.Ҳайтовнинг тегишли давлат рўхсатномаси ва туман маданият ишлари бўлимининг йўлланмаси йўқлиги аниқланди.

Ш.Авазов ва Р.Искандаровларнинг «ов»лари юришмади. Шу кунин рўхсатномасиз, йўлланмасиз ва қайд гувоҳномасисиз тўйга чиқиб юрганликлари фош бўлди. А.Йўлдошев ва Ж.Мавлоновлар ҳам қайд гувоҳномасисиз хизмат қилганлиги учун жазога тортилди.

Ҳўш, бу жаноблар ўз фаолиятлари билан боглик қонунлардан беҳабарми? Хабардор, албатта. Фе, зат нафсларини жилвелаши билмасдан, беш бармоқларининг ишларига тўқмоқчи бўлишган. Уйлаймизки, туман прокуратураси қўллаган жазолардан санъаткорларимиз ва фуқароларимиз тўғри хулоса чиқарадилар.

Шухрат АБДАЛНИЗОВ,
Хонка туман прокурори

Шарифнинг юзига мушт солди. Шариф иккинчи бор юзига тушган муштдан ўзини тўтиб туролмади. Ўртоқларининг ажратишларига қарамай, Анварга ташланди. Икки йилгитни ажратмоқчи бўлиб уларнинг ёнига келганлар зарбдан йиқилган Анварни турғизишди. У ўзини ўйглаб олган, чўнтағидан пичоғини қичқариб, Шарифнинг кўкрагига санчди...
Риштон туманининг Авазобой қишлоғилик Абдуллажон Гофуров ўғлини уй-

қаттиқ ботдими, тўйхондан олиб чиққан ош пичоқ билан ҳеч қандай сабабсиз унга ташланди. Пичоқ Бахтиёрнинг кўкрагига тегиб, тан жароҳати олди. Ўз вақтида кўрсатилган тез тиббий ёрдам туфайли унинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Риштон шаҳридаги Жомий кўчасида яшовчи А.Исоқов ҳам яхши ниятда эл олдиға дастурхон ёзганди. Лекин бу тўйнинг охири ҳам яхшилик билан аяқланимади. Тўйхонада арокка тўйиб олган

ТўЙХОНА КУЧ СИНАШИШ МАЙДОНИМИ?

ЁКИ ТўЙ ЎТКАЗИШ МАДАНИЯТИНИНГ ПАСТЛИГИ ОҚИБАТЛАРИ ҲАҚИДА

лантираётганди. Абдуллажоннинг қайноғаси Каримжон роса «яйради». Тўй охирида укаси ва хотини уни машинаға чиқариб, ўйига олиб кетмоқчи бўлишди. Лекин гирт маст Каримжон машинаға чикмай, оёғини тираб туриб олди. Можаро тугамай, Бахтиёржон ўз машинасида тўйхона ёниға келиб тўхтади. Машинадан тушар экан:

— Жанжалнинг нима фойдаси бор, тўйни тинчгина ўтказган бўлсаларинг, — деди. Бахтиёрнинг бу гаплари Каримга

Турдали кўчаға чиқиб, маҳалладоши Набижоннинг ёниға келди. Набижоннинг кўлитиға қистирилган болтаси ва пичоқини олиб, болтани кўлида бир неча дақиқа ўйнатди-да, пичоқ билан Набижонға ҳамла қилди... Ҳеч қандай сабабсиз пичоқ еган йилгит инграб юборди...

А.ПАРПИЕВ,
А.АБДУРАҲМОНОВ,
прокурор ёрдамчиси

Тахририятдан:

Ўзбекнинг тўйи... бир кунда ўтиб кетадиган хурсандчилик... Аммо, унга жуда узоқ йиллар давомида тайёргарлик қўрилади. Тўй-ҳаётимиз мазмунини, яшадан мақсадимизға айланиб қолган. Шундай экан, нега тўйларимизнинг доимо тинч, осойишта маданий тарзда ўтишиға эриша олмаёмиз? Тўйларда факатгина ичкиликни қамайтириш, маҳалла фаолларининг назоратини кунайтириш билангина мақсадға эришиш мумкинми? Яна нима чоралар кўриш керак? Фикр-мулоҳазаларингизни кутамиз.



ОЛИЙ ЖАЗО БЕКОР ҚИЛИНДИ

2000 йил арафаси Туркманистон Республикаси парламенти мамлакатда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Худди шу кунин Туркманбоши кон-

ституцион қонунни имзолади. Унга кўра бу мамлакатда ўлим жазоси қўлланилмайди. Ўта оғир жиноятлар учун 25 йиллик озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланиладиган бўлди. Бундай жиноят содир этган кишилар жазосини махсус жойларда ўтайдилар. Эслатиб ўтиш лозим, ушбу қонун ҳужжати тасдиқлангунға қадар, мамлакатда олий жазо - ўлим жазоси ҳисобланар эди. ***

ГРИПП ЭПИДЕМИЯСИ ХАВФИ

Кўшма Штатлар ва Фарбий Европанинг кўплаб шаҳарларида кенг тарқалиб улгурган грипп эпидемияси Европа шарқиға ҳам етиб келди. Фарбда миллионлаб кишиларни хасталаган эпидемиядан ҳозирда Польшаға ҳам 50 минг киши жабр чекмоқда. Россия тиббиёт марказлари ҳам грипп тарқалиши хавфидан ташвишға тушиб қолди. Гриппға қар-

ши барча чоралар кўрилмақда.

ЗАХИРА ТУГАЯПТИ

Кримда нон танқислиги хавфи сезилиб қолди. Ярим-оролға қарашли бугдой омборларида тўрт-беш кунлик заҳира қолган, холос. Бутун Украинада нон танқислиги муаммоси мавжуд. Украина Президенти Леонид Кучма Крим халқи учун давлат қазинасидан 30 минг тонна бугдой ажратди.

ҚИЗИМ СЕНГА АЙТАМАН

(Бошланиши 5-бетда)

Юқори уйдан чақалоқнинг йиғиси эшитилди. «Келин бечороға ҳам қийин бўлди, — ўйлади у. — Бизнинг гапимизға кирмаган «бадбахт» унинг гапини қулқоққа олармиди. Уйлангирсак рўзгор бошиға тушиб, қуйилиб қолар, деб ўйлагандик. Афсусл! Қудаларимиз олдида ҳам хижолатдамиз. Келин барака топсин, ота-онасига раҳмат».

Самад ота ўй-хаёллари билан бўлиб, Хайри хола-нинг чақирганини эшитмасди...

Дилмурод катта кўчаға чиқиб автобус бекатиға келганда атроф қоронғилашиб бўлган, йўловчилар уйларига тезроқ етиб олишға ошқишарди. Қаерға боришни билмай турган эди, кўзи эски таниши Аликка тушди-ю, хурсанд бўлиб кетди.

— Нима қиламиз Алик, кетдикми? — тақиф қиритди Дилмурод.

— «Босс», қандай гап бўлиши мумкин, лекин

«КўЗА СИНГАН КҮН»

чўнтақнинг мазаси йўқ-да бугун, — деди Алик. «Босс» деган сўз Дилмуродға мейдек ёқиб тушди. Даржақият, кейинги пайтларда «дўстлари» уни шундай чақирадиган одат чиқаришганди. Бироздан кейин беш ҳамтовок «Қўйлик-1» мавзесидаги тунги бозорча ёнида тўпландилар.

Бу вақтға келиб тун яримлаб қолган, кўчада одамлар сийрак эди. Бекатдаги ёғоч ўриндикка ястаниб ўтириб олган Алик Дилмуродға қараб:

— «Босс», ҳозир «бешта-бешта» бўлганда ишлар юришиб кетарди, — деб қолди.

— Қани кетдик, — йўл бошлади Дилмурод. — Ҳадеб пулга олиб ичаверамизми?

Беш такасалтанг бекорчилар кўчанинг нариги бетидаги бозорчада савдо қилиб ўтирган аёллар олдиға боришди.

— Бизға битта ароқ ва битта «Кока-кола» берсангиз, — деди Дилмурод қорачадан келган сотувчи аёлға. — Мени танийсиз-а, — «Босс» ман!

Аёл қоронғида унинг арти-башарасини танигунча Дилмурод бир шиша «Ўзбекистон» ароғи ва 1 та «Кока-кола»ни пулини тўламай кўлтигиға урди.

— Хола буни ичиб кўрайлик, «тоза» бўлса пулини берамиз, бўлмас йўқ, — ишшайди Дилмурод.

Шу орада бошқа харидорлар келиб, сотувчи аёл улар билан чалғиб қолди.

Беш ҳамтовок кўп қаватли бино ёниға ўтиб ўтиришган эди ҳамки, сотувчи аёл «бай-байлаб» етиб келиб, ичимликларини қайтариб олиб кетди. «Босс» дўстлари олдида хижолат бўлди шекилли, бир ўзи бозорчаға қайтиб бориб, бошқа сотувчидан ярим насияға ичимликларни қайтариб олиб келиб ўртаға қўйди...

Ширақайф Дилмурод бевозта эди... «Босс» деган номни оқлолмади. Сотувчи хотин «дўстлари» олдида уни шарманда қилди. «Бир таъзирини бериб қўймамас бўлмайди». У бозорчаға қайтиб борди. Шунда сотувчи аёл Дилмуроднинг ичимликлари учун ҳали тўланмай қолган пулини кистади. Орадаги ўзаро тортишув бора-бора авжига чиқиб, кўл жангиға айлиниб кетди. Одамлар тўпланди. Стол устиға сотиш учун қўйилган турли-туман ичимликлар ерга тушиб синди. Қий-чувни эшитган тунги назоратчи бир зумда етиб келиб, Дилмуроднинг биллагидан маҳкам ушладилар. Ҳозиргина «Босс» деб ўтирган тўрт ҳамтовок вазиятни қўриб, турли томонға қочиб улгурган эди.

Халқимизда «Кўза кунда синиди», деган ҳикматли макол бор. Дилмурод учун ҳам ана шу кун келди. У ота-онаси, оиласи учун янги ташвишлар орттириб, эс-хушини йиғиб келиш учун узоқ «сафар»ға кетадиган бўлди.

И.АБИДОВ,
Сирғали туман прокурорининг катта ёрдамчиси,
Н.ЛУТФУЛЛАЕВА, журналист.

НЕФТЧИЛАР ҒАРҚ БЎЛИШДИ

Ливининг денгиз қирқоқлари яқинида Avisto компанияси (Швейцария)ға қарашли Fokker F-28 русумли самолёт ҳалокатға учради. Манбаларнинг хабар қилишича, 23 киши ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган. 18 кишининг эса ҳаёти сақлаб қолинган. Шу йўналиш бўйича доимий қатновда бўлган бу ҳаво кемаси нефть платформасиға ишчиларни олиб кетаётган эди.

ВОКЕИ ҲИКОЯ

Довуд МАҲДИЙ

ДУЗАҲИЙ ЭР АЙНИНГ БИРК БИР ЖОНИ

... — Довуд ака, бир «НП» бор, бераман, сиз ёзадиган материал, — деди Қарши тумани прокуратураси терговчиси Баҳром Тоштемиров, — бир киши хотини ва болаларини ўлдирмоқчи бўлган.
— Ё тавба, яхсиси, мени жабрланувчи билан учраштинг.
— Бўпти.
Орадан бир неча ой ўтиб, бошқа бир иш билан ушбу прокуратурага келганимда терговчига ўша ваздани эслатдим.
— Ҳозир топаман.
— Вақт зик, соат ўн яримда кетишим керак. Судда мунозарам бор.
— Так, ярим соатда етиб келса, ярим соат суҳбатлашингиз мумкин, — деди у соатига қараб. — Етадим?
— Етади.
Мўлжалланган вақтда прокуратурага одми, эскироқ кийинган, қорамтир юзли, кўзлари хиёл чўккан аёл кириб келди.
— Пахта кетовудим, прокуратурага бораркансиз, дейишди.
— Келинг, келинг.
— Сиз сўраганингизми, ука?
У гоҳ йилга, гоҳ тинчиб сўзлар экан, гап орасида ёшини билиб олдим. У мендан анча ёш эди.
Аммо туриш ташвишлари юзига анча эрта ажин туширган. Суҳбатимиз якунида «хато-сини сезди, шекилли, «Сизди ука, десамми, ака десамми, дардимни айтаверсам адо бўлмайди», деди у «ух» тортиб.

Оқшом. Йўллардан кўтарилган чанг ҳавога эринчаклик билан кўтарилди ва аста атрофга тарқалади.
Қорақуччи қишлоғининг қизлари пахта даласидан қайтишарди. Йўл-йўлакай гоҳ қийқиришиб, гоҳ бир-бирини фартук билан саваллашиб, гоҳ юришиб, гоҳ югуришиб келишарди.
Шу пайт улар ортидан йўлни чагитиб, машина тезлигида трактор келиб қолди ва ҳайдовчи шўх эканми, нақ қизларнинг устига бостириб қўйди. Қизлар чор тарафга «вой-вуй»лашиб қочишди.
— Вой, Шоди, жинни бўлмай ул!
— Айик полвон-ку.
Шарифанинг оёғидан калиши тушиб қолган эди. У ўзини янтоқзорга урганди, оёқлари тиканга тўлди. Айниқса, чакир-тикан сўқилган тово-ни зирқираб оғриди. Йилғамқодан бери бўлиб, тупроққа қоришиб ётган калишини олиб қочди.
— Ҳе, ҳазилинг қурсин.
Бир кун пахта ўлчатаётган эди, қараса ўша. Қоп-қора булутдай теласида беўхшов илжайди. Сўроқ-истоксиз унинг қўлидаги пахта зичланган фартукни олди-ю, бир силтаб тележкага бўшатди.
— Шошманг, сизга гапим бор.
— Ҳе, ўлинг-е, оёқларим тикандан патир бўлиб кетди.
— Ман патирни яхши кўраман-да... Эртага якка толнинг тагида сизни кутаман. Бўптими?
У ортига қайтди. Шарифа фартукни елкасига ташлаб, уйига келар экан, йўл-йўлакай дароз Шодмон билан «уришиб» келди. Қизик. Дабдурастан. Таҳдид ҳам қилди. Чиқмаса-чи. Унинг қўлидан ҳар иш келади. Лекин нимасидир, жасурлигим, лапанглаб юришимни, ҳар қалай нимасидир Шарифага ёқиб кетди. Ҳали бу ҳақда унга ҳеч ким юрак ютиб гапирмаган эди-да.
— Кўп кутмадингизми? Пахта ни кеч ўлчашди.
— Билувдим.
— Нима демокчисиз? Қўлимни қўйворинг.
— Қўйвормасам-чи. Ман сани...
— Қўйинг-е.
— Совчи юбораман. Йўқ, дейишмасин. Мани одатим ёмон.
— Олиб қочасизми?
— Керак бўлса...
— Трактордами? — қулиб юборди Шарифа.
— Нима, менсимайсанми? — аччиқланди Шодмон.
— Йўқ, мен ўзим ким бўлибман.
— Хайр.

Кўли бўшаган Шарифа ўйига қараб елдек учди. Онасига ҳар кунгидан кўпроқ қарашди, нон ёпди, эрталаб сут пиширди ва аста сир очди.
— Ўзи тузукми, қизим?
— Сал қўполроқми... барибир яхшига ўхшайди.
Патир синди, фотиҳа қилинди. Улар эркинроқ учрашадиган бўлишди. Аммо ҳар учрашганда у баджаҳллигини ошкор қилиб қўярди.
— Нимага вақтига чиқмайсан?
— Шароит тўғри келмади.
— Шароит... ўзингни қўлингизда-ку. Ҳеч вақтида чикмас экансан-да.
Юраги нимадандир безовта бўлар, лекин бахт қушини қочириб юборишдан чўчирди. Гуё ширин дамлар олданда эди. Шарифа севиб қолган эди. Баъзан унинг қўполлиги, зардаси ҳам ёқимли туюлиб кетарди.
Тўйлари ҳали изғирин баҳор қуёшидан тўла мағлуб бўлмаган февраль ойининг сўнги кунларида бўлиб ўтди. Шарифа айримлари ўхшаб оқ каптарчага айланмади, атлас қўйлак, калпоқ, бошида шойи рўмол билан «вечер»га чиқди. Йигитнинг онаси муштипаргина аёл экан, дуо қилди.
Шодлик кунлари узоқ чўзилмади. Ёлғиз ўғил, эрка ўғил экан. Кўп ўтмай трактордан йиқилиб, оёғи синди. Келинликнинг хуш даврлари кувени шифохонада олиб ётиш, кеча-ю кундуз унга қарашуви билан ўтди. Тузалиб чиққач, велосипеддан йиқилди, нима бало бўлди, яна туролмай қолди. Бир неча йиллар оғзига таом тутди, оқ ювди, оқ тарари. Ёстикдоши экан-да, жirkanмади. Фарзандлар дунёга кела бошлади, аммо катта «ғудак»нинг инжиқлиги ҳаммасидан ўтиб тушса-да, чидарди.

(Давоми кейинги сонларда)

ОКЕАНОРТИ ҲАНГОМАЛАРИ

Баҳор фаслининг сўнги кунларида сотувга чиққан «Джеки» деб номланган ушбу китоб АҚШ ва Европа давлатларида катта шов-шувларга сабабчи бўлди. Унинг муаллифи - «Нью Йорк Таймс Мэгзин» журналининг собиқ бош муҳаррири Эдворд Клейн кўпгина гувоҳликларга сунган ҳолда АҚШнинг биринчи рақамли хоними Жаклин Кеннедининг ишқий моjarолари ҳақида ҳикоя қилади. Муаллиф уни яқиндан билган кишилар билан суҳбатлашишга эришди. Айни пайтда эса, суҳбатдошлар ўзлари хоҳлаган ҳолда Жаклин тўғрисида бор ҳақиқатни сўзлашга қарор қилишди.

1963 йилнинг 29 ноябрь куни Жаклин «Лайф» журнали муҳбири Теодор Уайтга кўнғирок қилиб, «Мен «Лайф» орқали мамлакатга бир нарсани маълум қилишни хоҳлайман», дейди. Бир ҳафта бурун Далласда ўлдирилган Президентнинг беваси ундан хузурига кели-

яна ҳам яқин бўлишни исташарди. Аммо Жеки марҳум эрининг руҳини топташдан қўрқарди.
У ўзини жуда ёлғиз ҳис этарди. Уни Ли Освалднинг ўқидан асраб қолган танқўриқчиси Хилл Клинтонгагина сунарди. Брандо билан яқинлаша олмагач, бир неча кундан сўнг у Хилл билан айнаи ўша тунги клубда пайдо бўлди. Бу ерда Жеки жуда кўп ичарди. Ва кўтилмаганда у хайратда қолган

ҳимоя қила олиши керак. Онассис жуда ҳам бой. У опамга бахтли ҳаёт бера олади. У шундай қудратлики, опамнинг тинчлигини сақлай олади».
1973 йилгача эр-хотин Онассислар бахтли яшади. Онассис унга кетма-кет совғалар ҳаёда этар ва улар фаройиб саёхатларга жўнашарди. У Жаклиннинг фарзандлари — Жон ва Каролиналарнинг ҳам кўнглини олишга ҳаракат қиларди. Уларнинг ҳар бири ўғай отадан биттадан кемани совғага олишди. Миллиардер ота Жонни тиззасига ўтказиб, унга Юнон афсоналарини сўзлаб беришни ёқтирар, шу билан бирга келажак ҳақида маслаҳатлар беради.
Аммо ҳар нарсанинг охири

Соҳибжамол ЖЕКИ



шени сўради. У мотам либосидаги аёлни кўришни хаёл қилганда. Бирок уни хушбичим, чиройли кийинган, гўзал аёл қарши олди.
Улар икки соатга яқин суҳбат қуришади. Эртаси куни «Лайф»да «Жеки Кеннеди билан суҳбат» номли мақола эълон қилинади, лекин унда эхтиросли манзаралар тўғрисида умуман гап йўқ эди. Суҳбатнинг тўлиқ матни эса бир неча йиллар мобайнида сирлиликча қолди. Ниҳоят, аниқла-нишича, Жоннинг ўлими арафасида улар тунни бирга ўтказиш-ган. Ваҳоланки, одатда улар алоҳида хоналарда ухлаган.
Президентнинг бир қанча ишқий муносабатлари туфайли улар бир-биридан йироқлашган эди. Бирок, бор-йўғи бир неча кун яшаган кичик ўғил Патрикнинг ўлими уларни яна бирлаштирди. Уша оқшом улар учун эр бахтли кун бўлиб қолди. Сабаби, улар яна бир фарзанд кўришга қарор қилишганда...
35 ёшида бева бўлиб қолган Жаклин америкаликларнинг факрига айланиб қолди. Аммо у бундан қувонмасди. Миллатнинг гурурига айланган хоним ўзини чирмаб олган оғир занжирлардан халос бўлолмасди. Кунларнинг бирида у Вашингтоннинг донгдор клубларида бирида актёр Марлон Брандо билан танишди. Оқшом ажойиб ўтди. Кўп ичилди. Хурсанд бўлганидан Жаклин, «Орзулар трамвайи» фильми қаҳрамонининг чиройига асир бўлиб, уни бу тунни ўзининг уйида ўтказишга таклиф этади. Мехмонхонанинг ғира-шира ёнган чироклари остида актёр ва Президентнинг беваси бир-бирларини қаттиқ кўчоқлаганча рақсга тушишарди. Ҳар иккиси ҳам бир-бирига

бор экан. Жаклин кўп вақтини АҚШда — эридан олисда ўтказа бошлади. Онассис Нью-Йоркка келганида хотинининг уйида эмас, мехмонхонада тунарди. Улар бир-галликда фақат сураткашлар учунгина пайдо бўлишарди, деган фаразлар ҳам бор. Жаклин у билан шугуллана олмасди. Бу фақат қўшиқчи Мария Калласга насиб этарди. Худди шу қўшиқчи уни ажралишга кўндирди. «Онассис Жаклин билан бирга бўлишни истарди, — дейди миллиардернинг адвокати. — У ажралишни хоҳласа-да, бироқ, ҳар гап мен тайёрлаган ажралиш ҳақидаги ҳужжатларни иртиб ташларди. Унинг ягона орзуси, Жеки ёнида бўлиш эди». Аристотель Онассис 1975 йил Парижда ўз қизининг қўлида жон таслим қилди. Ўша пайтда Жаклин Нью-Йоркда эди.
Шундан сўнг навбат Морис Темпеломанга келди. Улар ҳеч қачон никоҳда бўлишмаган, бироқ доимо муҳаббат билан яшади.
Антверпенлик бадавлат бриллиантчи Темпеломан Жекини ёлғиз ташлаб, аксарият вақтини сафарларда ўтказарди. Аммо бунинг хоним учун аҳамияти йўқ эди. Чўчки йиллар ўтиши билан Жеки ёлғизликка қўниқиб қолганда. Энди у ҳаётини ўз қўлига олишга аҳд қилди. «Даблдэй» нашриёти-да ишлаб бошлади. Жаклин Темпеломаннинг олтинга тенг маслаҳатлари туфайли савдога қўл уриб, миллионер хонимга айланди. Онассиснинг ўлимидан сўнг унга қолган 19 миллион доллар бир неча йил ичида 200 миллионга етди.
Афсуски, 1993 йилнинг қишида бахтли кунлар ниҳоятсига етди. Жаклин саратон (рак) касалига дучор бўлади. Бу ҳақда болалари Жон ва Каролинага айтаётган ҳо-қида Морис мехмонхонада эди. Болалар унинг кучоғига отилиб, у билан бирга йўлгашарди. Ҳаётининг сўнги дақиқаларида Жаклин Кеннедининг сулоласи аъзолари ва яқин дўстлари билан мардона видолашди. У 1994 йилнинг 19 майида ўз уйида оламдан ўтди.

Хориж матбуотидан
Жаҳонгир ШАРАФБОВ
таржимаси

